

Закотдаги ботиний одоблар ҳақиқати

05:00 / 16.01.2017 3271

Билинг! Охиратни изловчи муридларга закот беришларида бир қатор вазифалар юклатилган:

1. Закотдан уч нарса мурод этилганини фаҳмлаш: Аллоҳга муҳаббатни даъво этувчини ўзига энг севимли нарсани чиқариши билан синовдан ўтказиш, яъни инсон ўзи яхши кўрган нарсалардан эҳсон этмагунига қадар у чин – содиқ иймонли бўла олмайди. Улуғ Аллоҳ хабар бериб айтади: «Яхши кўрганларингиздан нафақа этмагунингизга қадар иймонли бўла олмайсизлар» (Оли-Имрон сураси, 92-оят). Шунингдек, ҳалок этувчи бахилликдан пок бўлиш ва мол-дунё неъматига шукр айтиш. Бахиллик – ҳалокат сабабидир деб тушуниш керак. Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳ йўлида нафақа этингизлар ва ўз жонларингизни қўлларингиз билан ҳалокатга ташламанглар. Яхшилик қилинглар, зеро Аллоҳ муҳсинларни дўст тутди» (Бақара сураси, 195-оят).

2. Закотни махфий адо этиш, риё ва кўр-кўрона шуҳратдан узоқда бўлиш. Закотни очиқ беришда фақирларни таҳқирлаш, камситиш бўлади. Агар киши закотни чиқармади, деб гумон этилса, у вақтда закотни одамлар ичида закотни олишга эътибор бермайдиган камбағал, бева-бечораларга очиқ беради. Бошқаларга эса махфий – беркитиб беради.

3. Закотни миннат ва азият бериш билан бузмаслик. Бунинг мисоли қуйидагича: дарҳақиқат, инсон бир фақир-бечорага яхшилик этаётганини ва унга неъматлардан баъзисини бераётганини кўрса, унда миннат этиш ёки азият бериш каби ҳолатлар бўлиб қолиши мумкин. Агар инсон закот амалига чуқурроқ фикр юритиб қараса, молини покловчи бўлган Аллоҳ ҳаққини қабул этишлиги билан фақир-бечора инсонга яхшилик этганини билади, яъни молни тўплаш-йиғиш руҳини бахиллик ва очкўзлик балоларидан поклайди. Аллоҳ таоло амр қилиб айтади: «Уларнинг молларидан садақот (закот) олинг, молларини закот билан поклайсиз ва руҳларини тарбиялайсиз. Уларни дуо этинг, зеро дуоларингиз улар учун ором ва раҳматдир» (Тавба сураси, 203-оят).

Агар закот берувчи шу билан бирга яхшилаб мулоҳаза этса, маълум бўладики, закот чиқариш – бу мол-дунё неъматига шукр айтишлиқдир. Ўзи билан фақир-бечора ўртасида бирор бир муомала қолмайди. Фақир-камбағални бечоралиги учун паст санамаслик лозим, зеро фазл-у улуғлик мол-дунё билан бўлмаганидек, ноқис-пастлик ҳам мол-дунё билан белгиланмайди, ўлчанмайди.

4. Берилган нарсани оз ва кам деб санаш, зеро бир амални катта деб билиш – манмансирашдир. Бундай деб айтилган экан: «Яхшилиқ уч нарса билан тамомига етади: уни кичик деб ҳисоблаш, уни тезлик билан бажариш ва уни беркитиб адо этиш».

5. Молнинг энг ҳалоли, энг яхшиси ва энг севимлисини танлаш. Ҳалоли шундай – Аллоҳ таоло марҳаматлидир. У ҳалол ва яхши нарсани қабул этади. Энг яхши молдан бериш ҳақида эса Аллоҳ таоло бундай амр этади: «Нафақа беришда ёмонини қасд этманглар» (Бақара сурси, 167-оят). Бу ўринда икки ишни мулоҳаза этиш зарур: биринчиси – Аллоҳ таолонинг ҳаққини улуғ деб билиш керак, зеро Аллоҳ таоло бандани синовдан ўтказишда ҳақлидир. Агар инсон ўз меҳмонига ёмон, ёқимсиз таом тақдим этса, албатта меҳмоннинг ғазабини келтиради, нафратлантиради.

Иккинчиси – ўзи (нафси)нинг ҳақ ва фойдаси. Закот берувчи одам қиёмат кунда берган закоти билан мулоқотда бўлади. Бас, ўзининг фойдаси учун молининг энг яхши ва сифатлисидан закот чиқарсин.

Молининг энг севимлисидан закот бериш тўғрисида Аллоҳ таоло бундай дейди: «Ўзингиз яхши кўрган нарсадан нафақа этмагунингизга қадар яхшилиқка асло етолмайсизлар» (Оли-Имрон сураси, 92-оят). Абдуллоҳ ибн Умар розийаллоҳу анҳунинг одатлари шундай эди: агар мол-дунёларидан бир нарсага муҳаббатлари ортиб кетса, уни Аллоҳ таолога яқин этар эдилар, яъни уни эҳсон қилиб юборардилар. Ривоят этилишича, у зот сувга тушдилар, дардларидан шикоят этдилар ва айтдилар: «Кўнглим катта балиқни тусайди». У зотга балиқ топиб келишга ҳаракат қилиб, фақат бир балиқ топишди. Хотинлари уни пишириб, олдиларига яқин қўйди. Шу онда бир мискин сўраниб келиб қолди. Абдуллоҳ ибн Умар мискинга қарата: «Буни ол!» деб айтдилар. Аҳли аёллари: «Субҳаналлоҳ! Сиз бизларни жуда қийнадингиз, мискинга берадиган бошқа нарсамиз бор-ку!» дейишди. Уларга жавобан у зот: «Дарҳақиқат, Абдуллоҳ шуни истайди», деб айтдилар.

Яна ривоят этилишича, бир гадоё Рабеъ ибн Хайсам раҳматуллоҳи алайҳнинг эшикларига келди. У зот: «Унга шакар бериб юборинглар», деб айтдилар. «Биз уни нон билан сийлаймиз, нон унга фойдалироқ», дейишди. У зот: «Ҳолингизга вой бўлгурлар! Унга шакар беринглар, дарҳақиқат, Рабеъ шакарни яхши кўради», деб шиддат этдилар.

6. Садақа-эҳсони учун мустаҳиқ – муносиб одамларни топиш. Бундай одамлар закотни олувчи саккиз хил одамлар ичида хос бўладилар. Уларнинг бир неча сифатлари бор:

Биринчи сифат – тақво. Садақа-закотни муттақий кишиларга хос этиш, зеро закотни уларга бериш билан уларнинг ҳимматларини Аллоҳ таолога қайтаради.

Омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр эҳсон беришда обидлар сажда қилиб турган вақтларида динор ва дирҳамлар солинган халтачаларни уларнинг ковушлари ичига тиқиб қўяр эдиларки, оёқ кийимини кийган эгаси уни биларди, лекин қаердан келганини сезмасди. Шунда у зотга: «Нима учун сиз бу эҳсонингизни уларнинг ўзларига юбора қолмайсиз?» деб айтишди. У киши бундай жавоб бердилар: «Улардан бирининг юзи-афти мен юборган элчимга ёки менга йўлиққан вақтларида тиришишини хуш кўрмайман».

Иккинчи сифат – илм. Закот-эҳсонни олимга беришда илмга ёрдам этиш ва динни тарқатиш ҳосил бўлади. Бу шариатга қувватдир.

Учинчи сифат – закот оладиган киши барча неъмат-у эҳсонлар фақат ягона Аллоҳдан деб биладиганлардан бўлиши. Бу тоифадаги одамлар ризқ-рўзининг сабабига ҳеч бир илтифот этмайдилар, магарам унга шукр айтишга тавсия этилган миқдорда илтифот қиладилар. Аммо унга бир нарса беришса, берган кишини мадҳ этадиган одати бор киши агар унга бирон нарса берилмай қолса, таъна ва мазаммат этади.

Тўртинчи сифат – закот-эҳсон қабул этадиган киши фақир-камбағал – бечораликни беркитадиган, ҳожатини яширадиган, шикоятини ичида сақлайдиганлардан бўлиши. Уларнинг шаъни ҳақида улуғ Аллоҳ ўз китобида бундай дейди: «Жоҳил одам ифбатликларидан уларни бойлардан, деб ҳисоблайди» (Бақара сураси, 273-оят). Уларни ҳеч қачон осонликча топиб бўлмайди, улар ўзларини мискинлар сафига қўшмайдилар. Шу хилдаги одамларни маҳаллалардан сўраб-суриштириш орқали топиш мумкин бўлади.

Бешинчи сифат – эҳсон қабул этадиган киши бола-чақали бўлиши ёки бетоб ё қарздор бўлиши. Бу тоифадаги одамлар қийинчиликка тушиб қолган бўладилар. Уларга садақа-закотларни бериб, бу қийинчилик, фақирлик гирдобидан уларни озод этиш лозим.

Олтинчи сифат – закот олувчи яқин қариндош-уруф бўлиши. Зеро, уларга садақа-эҳсон бериш – яхшилик ва силаи раҳм бўлади. Бирон-бир кишида мазкур сифатлардан икки ёки кўпроғи жам бўлган бўлса, шунга қараб унга бир нарса берилиши афзал.

"Минҳожул қосидийн" китобидан